

Очилова Холида

САРИМСОҚ –

барча касалликлар давоси

**MAJBURIY
BEPUL NUSXA**

“Сафо-стандарт” нашриети
Тошкент – 2012



УДК:615.322

ББК: 53.59 - *Халқ таъботи*

С32

САРИМСОҚ – барча касалликлар давоси. Нашрга тайёрловчи
Очилова Холида Ҳакимовна –Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2012.
– 32 бет.

ISBN: 978-9943-396-39-5

УДК:615.322

ББК: 53.59

С32


Тақризчи:

Фозилов Абдуқаҳҳор Воҳидович

Мазкур рисолада жаннатмакон қуёшли Ўзбекистонимизда
етиштириладиган сабзавот экинларидан бири – саримсоқнинг
шифобахш хасусиятлари ҳақида фойдали маслаҳатлар ўрин олган.

HD 41231
091

ISBN: 978-9943-396-39-5



© “Сано-стандарт” нашриёти, 2012

Кириш

Жаннатмакон қуёшли Ўзбекистонимизда етиштириладиган сабзавот экинлари шифобахш хусусиятларга эга, чунки уларда витаминлар, минерал тузлар ва микроэлементлар жуда кўп.

Улардаги қанд, крахмал, органик компонентлар, пектин оригинда фитоцитлар моддаси ва эритроцитлар организмга ижобий таъсир этади. Сабзавотлар ҳазм безлари фаолиятини яхшилаб, ферментлар фаоллигини оширади. Сабзавот экинлари витаминлар манбаи ҳисобланиб организмни каротин, витамин С, шунингдек, К, В1, В2, В6; В9, РР, Е ва бошқа витаминлар билан бойитади.

С витамини қарамда, қовунда, сабзида, қизил лавлагида, шунингдек, саримсоқда бор.

Сабзавотларда хилма-хил микроэлементлар: мис, цинк, кобальт, темир, фосфор ва бошқалар бор. Шунингдек, уларда, эфир мойлари борлиги учун ўзига хос ёқимли таъмга эга. Пиёз, саримсоқ, редиска, булғор қалампири антисептик ва инфекцияларга қарши қурашувчи хусусиятга эга.

Кўп сабзавотлар (олма, лимон, узум) органик кислоталарга бой. Органик кислоталар ҳазм безларини фаоллаштириб, организмга керакли витаминлар ва микроэлементларнинг сурилишига ёрдам беради. Хулоса қилиб айтганда сабзавотлар инсон ҳаёти учун ўта шифобахш ҳисобланади. Мазкур рисолада халқ таботатида долзарб аҳамият касб этган саримсоқ (*чеснок*) ҳақида маълумотлар баён этмоқчимиз.

САРИМСОҚ ҲАҚИДА

1) Артерия қон томирлари торайиб фаолияти бузилиши- (Артеросклероз) да.

а) Саримсоқ, майдаланган ёнғоқ мағзи ва доғланмаган ўсимлик мойидан тенг миқдорда олиб аралаштирилади. Ҳар куни 1 чой қошиқдан салатларга қўшиб лавлаги, сабзи ва бошқа сабзавотлар билан истеъмол қилинади. Аралашма салқин жойда сақланади.

б) 1 бош саримсоқни эзиб, устига 0,7 литр қизил мусаллас қўшиб 1 ҳафта сақланади, вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин 1-2 ош қошиқ ичилади.

в) Саримсоқнинг эзилганидан 100гр олиб, устига 2 стакан тиббиёт этил спирти (40°ли) қуйилади ва 3 кун иссиқ, қоронғи ерда сақланади. Кунига 3 маҳал овқатдан 15 дақиқа олдин, 1 чой қошиқ сувга 5-10 томчидан қўшиб истеъмол қилинади.

г) 1 бош эзилган саримсоққа 2-3 ош қошиқ эзилган Эрмон (аччиқ шувок) барги, 0,7л тиббиёт этил спирти (40°ли) ёки оқ мусаллас қўшиб, 5 кун сақланади, вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Сузиб олиб 3 маҳал 2-3 ош қошиқдан овқатдан олдин ичиш керак.

д) 5 бош саримсоқни эзиб, майда ош тузи, 500гр сариёғ қўшиб, нон ёки картошка эзмаси билан, атеросклероз, юрак ва ўпка касалликларида истеъмол қилинади .

е) Саримсоқ шарбатидан чорак чой қошиқ олиб, ярим стакан эчки сутига аралаштириб, наҳорга ичилади.

ж) Саримсоқ шарбати ва тоза асални тенг миқдорда олиб, кунига 3-4 маҳал овқатдан 30-40 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан ичилади. Даволаниш даври 4-6 ҳафта, 1ой танаффусдан сўнги, муолажа яна такрорланади. Бу тавсиядан атеросклероз, юрак қон-томир касалликлари, веналарнинг варикоз кенгайишида фойдаланиш мумкин.

з) Саримсоқдан 1 бошини майдалаб, унга 1 дона лимонни пўсти билан майдалаб аралаштириб, устига 0,5 литр қайнатилган сув қуйиб, 4 кун тиндириб қўйилади, сузиб олиб, наҳорга 2 ош қошиқдан ичилади.

и) Саримсоқдан 1 бошини бўтқа қилиб устига 1 стакан кунгабоқар мойидан куйилади. Бир кундан сўнг унга 1 дона лимон шарбатидан куйилади ва 7 кун қоронғи ҳамда салкин жойда сақланади. Вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин 1 чой қошиқдан ичилади. Даво-ланиш даври 3 ой. Танаффус 1 ой сўнгра яна такрорланади.

м) Атеросклероз хасталигида ҳар куни 2-3 бўлак саримсоқ ейиш керак.

н) Эзилган саримсоқдан 50гр олиб 1 стакан асал қўшиб аралаштириб, кунига 3 маҳал ярим ош қошиқдан истеъмол қилинади. Устига оқ омила қайнатмаси ичилади.

р) Эзилган саримсоқни 50гр олиб 1 стакан асал қўшиб, кунига 3 маҳал ярим ош қошиқдан истеъмол қилинади. Қоришмани совутгичда факат уч кунгача сақлаш мумкин.

с) Саримсоқни (50гр.) Майда эзиб, унга 1 стакан тиббиёт этил спирти (40°ли) куйиб, 7 кун қоронғи ва иссиқ жойда сақланади. Кунига 3 марта 10 томчидан 1чой қошиқ сув билан ичилади.

2) Бавосир (Геморрой)

а) Саримсоқ илдизи ва баргларидан 1кг, янтоқдан 3 кг олиб янчиб 5 литр сувда қайнатилади. Ушбу сув совигунча ванна қабул қилиш лозим.

б) Саримсоқ доналарини ажратиб, 1 донасини эзиб, сувини чиқариб бавосирга босилади.

в) Саримсоқни пишириб, зайтун мойи билан истеъмол қилинса, бавосири бор одам даво топади.

г) Бавосир бошланишида, тўғри ичакда ёпилиш бўлганда бемор 1 бўлакча саримсоқни чайнамасдан ютишни табиблар тавсия этадилар.

д) 1 бош саримсоқни тозалаб майда тўғраб янги соғилган сутдан 0,5 литр аралаштирилади. Сўнгра 7-10 кун 20 дақиқадан ванна қабул қилинади.

е) Саримсоқнинг тўрт бўлакчасини қайнатиб эзиб 1 чой қошиқнинг тўртдан бири ҳажмида ош сиркаси аралашмаси билан бавосирга қўйилса жуда яхши шифо беради.

3) Барвақт қариш (Преждевременное старение)

а) Саримсоқдан 350гр ни тозалаб тўғраб яхшилаб эзилади, шарбати чиққунига қадар ярим соат куйилади. Сўнг устки қисми олинади ва шарбатини бошқа идишга солиб устига 200мл 96% ли

спирт қуйилади ҳамда оғзини яхши ёпиб 10 кун қоронғи ва салқин жойда сақланади. Сўнгра дамламани сузиб 2-3 кун қўйилади. Овқатдан 15-20 дақиқа олдин, чорак стакан совуқ сув билан ичилади. Кунига 4 маҳал 5-10 томчидан (50 ёшгача) ва 3-томчидан (50 ёшдан сўнг) 10-14 кун ичилади.

б) Саримсоқдан 300 грни бўтқа қилиб 500гр пиёз бўтқасидан қўшилади, устига 1,8л олма сиркаси қуйиб қоронғи ва иссиқ жойда 1 кун сақланади, кейин 1кг асални эритиб, қоришма билан аралаштириб, 1 ҳафта қоронғи иссиқ жойда сақланади. Вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Кунига 1 маҳал 4 ош қошиқдан секин-аста истеъмол қилинади. Ҳар қошиқ еганда орада танаффус қилинади. Бу дамлама организмни ёғ, чиқиндилардан тозалаб, умумий модда алмашинувини яхшилайтиди. Кўпгина касалликлар: миокард инфаркт, стенокардия, атеросклероз, фалаж, турли ўсмалар, тери яллиғланишининг олдини олади. Бошнинг ғувиллаши йўқолади, кўриш қуввати тикланади, қон босими меъёрига келади.

4. Беланги, бел ориғи (Боль в пояснице)

а) Саримсоқнинг 2та бўлакчасини қирқиб, пиёладаги сувда эритилган иссиқ сиркага 5дақиқа солиб қўйилади. Қалин пайпоқни сувда хўллаб, сиқиб ташлаб сиркада турган саримсоқ бўлакчаларини 1чой қошиқ асал билан яхшилаб аралаштириб, пайпоқ ичига солинади ва у оғриган жойларга бир неча дақиқа давомида қўйилади. Бу усул бир неча кун давом эттирилади.

б) Узум сиркасидан бир чой қошиқ, асалдан 1чой қошиқ, чой қошиқнинг тўртдан бир қисми ҳажмида саримсоқ шарбати ва ярим стакан иссиқ сутдан дори тайёрлаб, ҳар куни ухлаш олдидан ичиб турилса, мушаклар ором олади. Бел оғриғи ва бод касали барҳам топади.

5. Бепуштлик (Бесплодия)

а) Саримсоқдан 100 грни майда эзиб шиша идишга солиб, устига ярим литр тиббиёт этил спирти (40°ли) қуйилади ва 10 кун қоронғи ва иссиқ жойда сақланади. Сузиб олиб, эрталаб ва кечкурун 1 ош қошиқдан ичилади.

6. Бит ва сиркалар (Вши, педикулёз)

а) Саримсок ва тоғ райҳони қайнатмасидан кунига 3 маҳал 2 ош қошиқдан истеъмол қилинса, бош ва танани ювганда шу қайнатмадан сувга солиб ишлатилса, бит ва сиркалар ўлади.

7. Бош айланиш (Головокружение)

а) Саримсоқдан 300гр ни тозалаб, ярим литрли шиша идишга солиб устига тўлдириб спирт қуйилади. Кейин икки ҳафта қоронғи ва иссиқ жойга қўйилади. Вақти-вақти билан аралаштирилиб турилади. Кунига ярим стакан сутга 20 томчидан томизилиб бош оғриганда ва айланганда ичилади.

8. Бош оғриғи (Головная боль)

а) Саримсоқнинг 10 та бўлакчасини 50мл сутга солиб, оловда 5 дақиқа қайнатилади, совутиб сузилади. Сўнгра 5-10 томчидан кулоққа томизилади ва 1 дақиқадан сўнг бошни эгиб қайнатма кулоқдан чиқарилади. Бу муолажа навбати билан иккала кулоққа қилинса бош оғриғига яхши шифо беради.

9. Бронхлар яллиғланиши (Бронхит)

а) Саримсоқни тозалаб, майдалаб 3 литрли идишга солиб, устига 1 литр тиббиёт этил спирти (40°ли) қуйилади, идиш оғзи копоқ билан 15-20 кунга ёпиб қўйилади. Сўнгра 1 стакан қайнатилган сутга 1 чой қошиқ шу қоринмадан аралаштириб, овқатдан 15-20 дақиқа олдин кунига 3 маҳал ичилади.

б) Саримсоқнинг 5-6 донагани тозалаб ювиб, майда тўғралади ва устига 1 стакан сут қуйиб, паст оловда 3 дақиқа қайнатилади. Сўнгра сузиб, сўнг 1 ош қошиқдан 3 маҳал овқатдан 20 дақиқа олдин ичилади.

10. Бронхиал астма (Бронхиальная астма)

а) Саримсоқдан 100грни майдалаб, 1 стакан асалга аралаштирилади. Кунига уч маҳал ярим ош қошиқдан истеъмол қилинади устидан иссиқ сут ичилади.

б) Саримсоқнинг 3 донагани ва 5 та лимонни (уруғисиз) олиб қирғичдан ўтказилади, устига 1 литр қайнатилган сув қуйилади ва 5 кун тиндириб қўйилади. Сузиб, сиқиб олинади. Кунига 5 маҳал 1 ош қошиқдан овқатдан 20 дақиқа олдин ичилади.

в) Саримсоқни узум сиркаси билан аралаштириб истеъмол қилинса, нафас қисиш ва астмага даво бўлади.

г) Саримсоқ кули асалга қўшиб ичилса диққи нафасга фойдали.

д) Саримсоқ ва ер қалампиридан 100грдан олиб майдаланиб, бўтқасимон ҳолда аралаштирилади. 150гр сариёғ ва 600гр асал озгина сув бўғида иситилиб, яхшилаб қориштирилади. Қоронғи ва салқин жойда идиш оғзи яхши ёпиқ ҳолда сакланади. Кунига 1 ош қошиқдан овқатдан 1 соат олдин истеъмол қилинади. Даволаниш муддати 2 ой, зарурият бўлса 1 ойдан сўнг қайтарилади.

ж) Саримсоқдан 100гр майдалаб устига 150мл тиббиёт этил спирти (40°ли) қуйиб, жигарранг идишда қоронғи жойда, 2 хафта сакланади. Кунига 25 томчидан 3 маҳал илик сут билан овқатдан 15-20 дақиқа олдин, 1 ярим ой давомида истеъмол қилинади.

3) Саримсоқнинг 1 бўлакчасини майда тўғраб, ҳар куни зралаб истеъмол қилинади. Устидан 1 стакан олма сиркаси қўшилган сув ичилади. Даволаниш муддати 4-5 ой.

Эслатма: Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраси бўлган беморга бу муолажа мумкин эмас.

и) Саримсоқни бўтқа қилиб қуйрук ёғи ёки тузланмаган сарёғ аралаштириб малҳам тайёрлаб кўкрак ва бўйинга суртилса, бронхиал астма, сурункали бронхит, тумов, йўталда ёрдам беради.

м) Саримсоқни эзиб, бир неча бор ҳидланса, грипп ва ангинани даволайди.

11. Буйрак тош касаллиги (Почечнокаменная болезни)

а) Саримсоқдан 40гр олиб устига 100гр спирт ёки тиббиёт этил спирти (40°ли) қуйиб, оғзи ёпиқ идишда тиндириб қўйилади, таъмини яхшилаш учун ялпиз шарбати томизилади. Кунига овқатдан ярим соат олдин 10 томчидан истеъмол қилинади.

б) Саримсоқни сувда ёки ўтда пишириб, турп уруғи билан сийлса буйрак тошлардан қутилишда ёрдам беради.

в) Саримсоқнинг майдаланганидан 50гр ни сирли идишга солиб устига 250гр кунгабоқар ёғидан қуйиб, сувда 1 соат қайнатилади. Кейин 1 соат тиндирилиб қўйилади. Сузиб солингач, оғриқ бор жойда ишқаланса, ковуқдаги оғриқни олади.

г) Саримсоқ сирка билан қўшиб истеъмол қилинса, буйракдаги шишни даф қилади.

12. Бўғимлар яллиғланиши (Артрит)

а) Саримсоқни эзиб шарбатидан 10 томчидан кунига 4 маҳал илиқ сут билан истеъмол қилинса шифо бўлади. Оғриқни қолдириш учун кечкурун ётиш олдидан оғриган жойга ёғ сурилиб, саримсоқ шарбатига шимдирилган доқа қўйиб боғланади.

б) Саримсоқдан Здонасини тозалаб, бўтка қилиб, унга 10 дан лимон шарбати ва 1 чой қошиқ ерқаламир бўтқасидан солинади. Ҳаммасини аралаштириб, 3 ҳафта илиқ ва қоронғи жойда сақланади. Кунига 2 маҳал эрталаб ва кечкурун шу қоришмадан 1 стакан сувга 1 чой қошиқ қўшиб ичилади.

в) Саримсоқдан 5 донасини тозалаб майда қилиб тўғралади ва шиша идишга солинади. Устига ярим литр тиббиёт этил спирти (40°ли) қўйиб, қоронғи ва иссиқ жойда 10 кун қўйилади. Бу дамлама кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин 1 чой қошиқдан истеъмол қилинади.

г) Саримсоқ билан турпни сиқиб сувидан ичилса ёки оғриган бўғимларга суртилса шифо бўлади.

13. Веналарнинг варикоз кенгайиши (Варикозный расширение вен)

а) Саримсоқдан 250гр олиб, майдалаб эзиб, 350гр асалга аралаштирилади эртасига дамлаб, бир ҳафта давомида суртиб юрилади. 1ҳафтадан кейин малҳамга кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан оч қоринга истеъмол қилинади. Оёқда сув йиғила бошласа ҳам 20 кун 2 маҳалдан шу малҳамдан суртиш лозим.

14. Гижжалар (Глисты или Гельминты)

а) Саримсоқдан қайнатма тайёрлаб ичилса ёки ҳар кун ичирди 5 бўлакчаси 3 маҳал истеъмол қилинса, гижжалар тушади.

б) Саримсоқнинг пиёздан каттароғи 1 стакан сутда юмшагунча қайнатилади. Сузиб олиб, бир қисми хўкна қилинади. Қолгани кечаси билан қолдирилади. Катталар 1 стакан, болалар ярим стакан ичиши керак. Даволаниш муддати 7 кун.

в) Саримсоқдан 10 бўлакчаси қайнатилган сут билан наҳорга ичилса ёки сутсиз ўзини кўпроқ истеъмол қилинса, гижжалар тушади.

г) Саримсоқ тузланган балиқ билан истеъмол қилинса гижжалар ва солитор тўкилади.

д) Саримсоқни доим истеъмол қилган инсонда гижжа бўлмайди.

е) Саримсоқ билан ер қалампиридан тенг миқдорда олиб, 50 гр қоришма бўтқасига ярим литр тиббиёт этил (40°ли) спирти қуйиб, 10 кун қоронғи ва иссиқ жойда сақланади. Вақти-вақти билан аралаштирилиб турилади. Сузиб олиб кунига 2-3 маҳал овқатдан 20 дақиқа олдин, бир ош қошиқдан истеъмол қилинади, устидан сув ичилади. Лямбля ва гижжаларни ҳайдашда ишлатилади.

ж) Саримсоқнинг бир бўлакчаси яхшилаб эзилади, унга бир дона тозаланган суяксиз шўр балиқ, 2 ош қошиқ тарик, 1 дона хом тухум сариғи аралаштирилади. Бу аралашма қайнаб совутилган сут билан суяқ холга келтирилади. Кунига ярим стакандан бир неча бор ичилса, тасмасимон гижжалар тушади. Даволаниш муддати гижжалар тўлиқ тушгунича давом эттирилади.

3) а) Саримсоқнинг 2 бўлакчасига 1 ош қошиқ дастарбош қўшилади ва устига 2 стакан сут қуйиб, паст оловда 10 дақиқа қайнатилади. Сузиб олиб, 2 стакани илиқ холда хўкна қилинади. Даволаниш муддати -7 кун. Зарурият бўлса, 10 кундан сўнг яна такрорлаш мумкин.

4) а) Саримсоқ ёки пиёздан 1 донасини майда тўграб, кечкурун устига 1 стакан сув қуйилади. Эрталаб наҳорда ичилади.

б) Майда оқ гижжалар – острицалар кўпинча йўғон ичакнинг охирида жойлашади, уларни йўқотиш учун бир неча кун саримсоқли қайнатма билан хўкна қилинади.

в) Болаларда майда оқ гижжалар – острицалар бўлса, кечкурун орқа авратига бир бўлакча саримсоқ қўйилади ёки сузма ёхуд бир бир парча ҳидланган гўшт қўйиб боғланади.

г) Саримсоқ бўтқасидан 400гр олиб устига ярим стакан спирт қўйилади ҳамда қоронғи ва салқин жойда 10 кун сақланади. Кунига 3 маҳал 15-20 томчидан, овқатдан 10 дақиқа олдин истеъмол қилинади.

15. Гипертония, хафақон. Артериал босим ошиши

а) Саримсоқнинг эзилганидан 100гр олиб, унга 1 стакан асал қўшилади. Кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин, ярим

қошиқдан истеъмол қилинади, устидан дўлана қайнатмаси ичилади.

б) Ҳар куни 1 бўлакча саримсоқ то тозалангунча 0,3 стакан сувга 1 чой қошиқ олма сиркаси қўшиб истеъмол қилинади.

в) Саримсоқдан 20 донасига 5 бош пиёз ва 5 дона лимони (уруғсиз ва пўчоқсиз) майдалаб аралаштириб, унга бир 1 кг шакар ва 2 литр қайнатилган совуқ сув қуйиб, 10 кун қоронғи ва салқин жойда сақланади. Кунига 3 маҳал овқатдан 15-20 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан тузалгунча ичилади.

г) Саримсоқни майда тўғраб, дока устига қўйилади ва қаҳфамайдалагичда эзиб талқон қилинади. Шиша идишга солиб, оғзини ёпиб, совутишга қўйилади. Кунига 3 маҳал ярим чой қошиқдан овқатдан олдин қўлланади, орқасидан ялпиз ёки лимон баргларида тайёрланган дамлама ичилади.

д) 4 дона катта бош саримсоқни ховончада туйиб, оғзи ёпик идишда ярим соат сақланади. Кейин шарбати билан саримсоқ устига 1 стакан тиббиёт этил спирти (40°ли) қуйиб, қоронғи ва салқин жойда 15 кун сақланади. Вақти-вақти билан идиш чайқатиб турилади. Кунига 3 маҳал овқатдан 15 дақиқа олдин 3 ҳафта давомида ичилади. Гипертония касалининг склератин турида ичилади.

16. Доғлар (Пигментные пятна)

а) Саримсоқ ва шолғом уруғларининг талқони юздаги доғларни яхши кетказади.

б) Саримсоқ кунига тенг миқдорда асал қўшиб, доғларга суртилса фойда қилади.

17. Жигар циррози (Цирроз печени)

а) Саримсоқ пиёзга тенг миқдорда асал аралаштириб, кунига 3 маҳал 2 ош қошиқ еган бемор тузалади.

18. Зотилжам (Пневмония)

а) Саримсоқдан 300 грни эзиб, бўтқа қилинади ва ёпик идишда ярим соат қўйилади. Кейин идиш тубидаги бўтқадан 200 гр олиб унга 1 литр қизил мусаллас қуйилади ва 2 ҳафта сақланади. Вақти-вақти билан чайқатиб турилди, иссиқ ҳолда ҳар соатда 1 ош қошиқдан истеъмол қилинади. Тайёрланган спиртли дамлама кунига 1-2 маҳал кўкракка ҳам суртилади.

19. Грипп

а) Саримсоқ бўтқасига асални тенг миқдорда қўшиб, 3-4 кун давомида уйқу олдидан бир ош қошиқдан истеъмол қилинади.

б) Саримсоқ бўтқаси билан асални 1:4 нисбатида олиб аралаштирилади. Грипп касаллигида 1 чой қошиқдан ҳар соатда ва 1 ош қошиқ уйқу олдидан истеъмол қилинади.

в) Саримсоқнинг 2-3 бўлакчаси устига 30-50мл сув куйиб, 1-2 соат дамлаб қўйилади. Сузиб олиб 2-3 томчидан кунига 1-2 маҳал бурунга томизилади. Дамлама 2 кунга тайёрланади.

г) Саримсоқнинг 50гр музлатилганидан олиб, унга 25 гр музлатилган пиёздан қўшилади. Устига 200 мл сув аралашган тиббиёт этил спирти (40°ли) куйиб, бир грам С дармондорисидан солинади (дорихона препарати). Ҳаммасини миксерда аралаштириб 2 ҳафта оғзи ёпиқ идишда совитгичга қўйилади (ҳарорати 4). Вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Унга биргина томчи ялпиз мойи ёки 1 неча дона саримсоқ бўлакчаси солинади. Қоронғи ва салқин жойда 8 соатча сақланади. Овқатланиш жараёнида 1-2 чой қошиқдан 3 маҳал истеъмол қилинади.

д) Саримсоқ бўтқаси тумов ва гриппда кунига 3-4 маҳал бурун орқали ҳидланса фойда қилади.

и) Саримсоқ бўлакчаларидан 10 таси бир литр сувда пишгунича қайнатилади. 2 қаватли доқадан сузиб олингач, таъбга кўра асал қўшилади ва аралаштирилади. Илик ҳолда ҳар соатда 1 ош қошиқдан ичилади.

к) Саримсоқ пиёздан 40 грни майдалаб, оғзи ёпиқ идишга солинади. Устига 100мл тиббиёт этил спирти куйилади. Таъмини яхшилаш учун 3-4 чой қошиқ ялпиз сувидан қўшилади ва 1 ҳафтага қўйилади. Дамлама сузиб олингач; кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин 10-15 томчидан, ярим стакан кайноқ сут билан ичилади. Шамоллашда яхши натижа беради.

л) Саримсоқни майдалаб асал билан тенг миқдорда қўшилади. Кунига 3 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан истеъмол қилинади, орқасидан илик сут ичилади.

20. Ичак касалликлари (Энтерия, энтерокополит)

а) Саримсоқ шарбатидан кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин 1 чой қошиқдан ичилади. У иштаҳани очади, овқат ҳазм қилинишини яхшилайдди.

б) Саримсоқдан 250гр ни майдалаб устига 1 литр тиббиёт этил спирти қуйилади ва 14 кун 30°С ҳароратда сақланади. Идиш оғзи ёпиқ бўлиши керак. Ҳар куни чайқатиб турилади. Сузиб олиб, салқин жойда сақланади ва кунига 3 маҳал 15-20 томчидан, колит, энтероколит, грипп, дизенция, бронхит ва ўпка яллиғланганда, шунингдек, атеросклерозда ичилади.

21. Ич дам бўлиши (Метеоризм)

а) Саримсоқнинг янги барглари истеъмол қилинса, овқат ҳазмини ва иштаҳани яхшилайд.

б) Саримсоқ майда тўғраб қуритиб олинади. Кейин ховончада янчиб, идишга солиб қўйилади. Қоронғи ва салқин жойда сақланади. Кунига 2 маҳал ярим чой қошиқдан овқатдан олдин истеъмол қилинади.

в) Саримсоқдан 40 гр олиб устига 100 гр тиббиёт этил спирти (40°ли) қуйилади, таъми яхши бўлиши учун ялпиз сувидан 1 неча томчи кўшилади. Кунига 2-3 маҳал томчидан ярим соат олдин ичилди.

22. Ички ўсмалар (Внутренние опухоли)

а) Саримсоқдан 1 бўлакни майдалаб эзиб, сирли идишга солинади ва 1 стакан сут қуйиб, паст оловда қайнатилади. Овқатдан олдин, оч холда ичилади.

23. Йўтал (Кашель)

а) Саримсоқнинг бир бўлакчани майдалаб эзиб, 1 стакан сут қўшиб яхшилаб қайнатилади. Аралашмани бир кунда 4-5 маҳал ичиш лозим.

б) Саримсоқни сарёғда димлаб ейилса, ҳар қандай ўпка касалига даводир.

в) Саримсоқдан бир бўлакчаси кирғичдан ўтказилади ва тоза латтага суртиб оёқ товонига қўйилади. (Яланг оёқ билан полни босмаслик керак) ўткир йўталда ёрдам беради.

г) Саримсоқдан бир бўлакчасини майдалаб, сирли идишга солинади ва устига 2 стакан сут қўшилади. Озроқ қайнатилади, сўнг олиб, бир ош қошиқ асал қўшилади ва кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

24. Камқонлик. (Анемия—малокровие)

а) Саримсоқдан 400 грни эзиб, 24 дона лимон шарбати кўшиб аралаштирилади оғзи катта идишга солиб 24 кун иссиқ, қоронғи жойга қўйилади, вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Кунига 1 марта уйқу олдидан 1 стакан қайнатилган сув билан 1 чой қошиқ истеъмол қилинади.

б) Саримсоқдан 300 гр олиб устига ярим литр тиббиёт этил спирти (40°ли) қўйилади ва 2 кун қўйиб қўйилади. Кунига 3 маҳал овқатдан олдин 10 томчидан ичилади.

в) Саримсоқни рус табиблари камконликка қарши энг яхши восита ҳисоблайдилар уни тозалаб ювиб 300 грни 2 литр шишага солиб устига 1 литр 70° ли спирт қўшиб 3 ҳафта тиндириб қўйилади. Кунига 3 маҳал ярим стакан сутга 20 томчи дамлама томизилиб ичилади. Саримсоқ дамламасидан кўра уни ўзини ишлатган фойдали.

25. Кўз гавҳари хиралашуви (Катаракта)

а) Саримсоқ суви кўзга томизилса, кўз остидаги қора ғубор кетади.

26. Меъда касаллиги (Гастрит)

а) Саримсоқдан ҳар куни 3-4 гр истеъмол қилиб юрилса, меъдани тозалаб, кучли қилади.

27. Мия оғриғи-Шакиқа (Мигрень)

а) Саримсоқнинг 2-3 бўлакчаси 1 литр сутда бироз қайнатиб ичилса бош оғриғи қолади.

28. Жинсий заифлик (Импотенция)

а) Саримсоқ қора кўчқор ёғида қовуриб ейилса ва олатга суртилса фойдалидир.

б) Ҳар куни саримсоқ истеъмол қилган эркакларда эрлик қуввати ошади.

в) Саримсоқни қўй сутига пишириб, мол ёғида қовуриб, асал қўшиб ейилса эрлик қувватини оширади.

г) Саримсоқни дамламасидан (дорихонада бўлади) куннинг биринчи ярмида 20 томчидан 2-3 маҳал истеъмол қилинади. Саримсоқни хомлигича сийиш фойдали.

д) Саримсоқдан 1 кгни майда тўғраб шиша идишга солинади, устига ярим литр тиббиёт этил спирти (40°ли) қуйиб, қоронғи жойда 1 ҳафта сақланади. Шу дамламадан 2-3 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан истеъмол қилинади.

29. Милклар яллиғланиши (Гингивит)

а) Саримсоқ палласини оғриган милкка босилса оғриқ қолади.
б) Саримсоқни эзиб, мусалласга тенг микдорда кўшилиб милкларга суртилса, милклар мустаҳкам бўлади, қонаш тўхтайд.

30. Миокард инфаркти (Инфаркт миокард)

а) Саримсоқдан 400 гр олиб бўтқа қилинади. 3,5 литр сутга солиб оғзи ёпик идишда паст оловда суви 0,75 ҳажми қолгунча қайнатилади, сузиб олингач 0,3-0,5 стакандан кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин бир қултумдан ичилади. Қайнатма салқин жойда сақланади.

31. Муртак яллиғланиши (Тонзиллит)

а) Саримсоқ шарбатидан бармоқ учида олиб, бодомча безларга суртилади. Шу муолажа асал тарик елими билан такрорланади. Саримсоқ шарбатига озроқ қайнатилган сув қўйиб, эҳтиётлик билан суртилади, муртаклар ҳам ювилади.

32. Пай чўзилиши (Растяжения сухожилий)

а) Саримсоқ бўтқасига мол ёғи ва янги эзилган эвкалитит барги қўшиб қайнатилади. Сузиб олиб, жароҳат жойига суртилади.

б) Саримсоқ дамламасига докани шимдириб, устига 1 дона лимон шарбати сиқилади ва оғриган жойга бозиллама қилиб қўйилади. Дока тана ҳароратигача қизигандан сўнг олиб, яна совук бозиллама қўйилади. Бу муолажа бемор енгил бўлмагунича такрорланади.

в) Саримсоқдан 7-10 бўлакчасини бўтқа қилиб, устига ярим литр олма сиркаси ёки узум сиркаси ёхуд узум сиркаси. 10 мл тиббиёт этил спирти қуйиб, қоронғи ва салқин жойда 2 ҳафта сақланади. Сузиб олиб, 15-20 томчи эвкалипт мойидан томизиб яхшилаб аралаштирилади ва оғриган жойга бозиллама қилиб қўйилади.

33. Паришонхотирлик (Склероз)

а) Саримсоқдан 40 гр олиб оғзи ёпик идишга солинади. Устига 100 гр спирт ёки тиббиёт этил спирти куйиб, таъм учун ялпиз томчиларидан (дорихоналарда бўлади) томизилади. Кунига 2-3 маҳал овқатдан ярим соат олдин 10 томчидан ичилади.

34. Пес (Витилиго)

а) Саримсоқни куйдириб, кули асалга кориб хамир тайёрланади. Оқ доғларга суртилса, даво бўлади.

35. Пуфакча - тери тошмаси (Экзема)

а) Саримсоқдан 3 донасини эзиб, бўтқа қилинади. Унга 50гр асал қўшиб аралаштирилади. Ҳар куни эгземага суртилади.

б) Қайнатилган саримсоқни эзиб тенг миқдорда асал қўшиб, аралаштирилади, кечқурун экземага қўйиб, боғланади. Эрталаб оғриган жойини тозаланган бензин билан ювиб, яна саримсоқли асал малҳами қўйилади.

36. Саратон касаллиги - Рак

а) Саримсоқни сутда қайнатиб, ички аъзолар саратонини даволашда ишлатилади.

б) Саримсоқдан 250 гр олинади пиёзни майдалаб, устига 200 гр 96% ли спирт қўшиб аралаштирилади. Идишни қопқоғини ёпиб, салқин ва қоронғи жойга қўйилади. 10 кундан сўнг сузиб, 50 гр совуқ сувга томизиб, ҳар куни 3 маҳал ичилади. Бунда биринчи куни 8 томчи қўшиб 25 томчига етгунча ичилади ва кейин орқага қайтилади.

в) Саримсоқни ҳар доим хомигича еб юрган киши саратон касалига камроқ чалинади. Хитой табиблари ундан захар кучини кесувчи, ўсимталарга таъсир қилувчи восита сифатида фойдаланишган. Табобат илмининг султони Абу Али инб Сино саримсоқ микробларга, бир ҳужайрали содда жониворлар ва замбуруғларга қарши таъсир кучига эга эканини алоҳида таъкидлаган.

37. Сийдик – тутилиши (Задержка мочи)

а) Саримсоқнинг барги ва мевасини сувда қайнатиб, ўша сувли ваннада белигача ўтирган бемор сия олмаслик касалидан кутилади.

38. Соч тўкилиши. (Выпадение волос)

а) Саримсоқнинг шарбати ва эзилганидан, петрушка уруғининг туйилганидан олиб соч илдизига яхшилаб суртиш керак.

б) Саримсоқ бўлакчасини тўғраб, соч тўкилган жойларга ишкалаб суртилади.

в) Саримсоқ шарбати билан асални аралаштириб, сочни мустаҳкамлаш учун илдизига яхши суртилади.

г) Саримсоқ пўстини куйдириб, кули зайтун мойи билан аралаштирилади. 10 кун давомида кунига 2 маҳал териغا суртилса, соч бақувват бўлади, тўкилган жойидан яна соч чиқади.

39. Соч оқариши (Поседение волос)

а) Саримсоқ пўсти зиғир мойи билан бирга соч-соколга суртилса қораяди.

б) Саримсоқ доимо истеъмол қилиб турилса, оқ соч ўрнига қора соч чиқади.

в) Саримсоқ пўстининг қулини зайтун мойига аралаштириб тайёрланган малхам бошга суртилса, тўкилган сочлар ўрнига янгиси чиқади.

40. Сўгал (Бородавки)

а) Халқ табобати сўгални тезроқ кетказиш учун саримсоқ ва пиёздан кўпроқ фойдаланишни тавсия этади.


б) Саримсоқни пишириб, сўгал чиққан жойига боғланса уни кўритиб туширади.

в) Саримсоқнинг шираси ёки бир бўлаги сўгал устига кунига 5-6 марта ва ундан ҳам кўпроқ ишқаланса ёхуд кечкурун боғлаб қўйилса, 3-4 кунда этдан ажралиб тушади.

г) Саримсоқ пиёзнинг 2-3 дона бўлакчаси устига 8 стакан қайноқ сув қуйиб тиндириб қўйилади. Сўгалларга улар йўқолмагунча кунига 1 неча марта суртиб турилади.

41. Тери замбуруғли касалликлари (Грибковый заболевание кожа)

а) Терининг замбуруғли касаллигини даволашда саримсоқдан компресс қилинади. Саримсоқли чўйдо, саримсоқли дамлама,



кайнатмаларини ичиш ҳам фойдали. Давоси 3-4 кунда натижа беради.

б) Саримсоқ замбуруғли касалликни даволашда энг кучли ва хавфсиз восита ҳисобланади. 5 дона саримсоқ бўлакчасини майдалаб, шарбатини олиб, унга 30 мл кайнатилган ёки дистирланган сув қўшилади. Жароҳат жойларини ювиб, обдон артиб сўнгра саримсоқ шарбати суртилади ва пахтадан тўқилган пайпоқ кийилади.

в) Саримсоқ шарбати кунига 3 маҳал овқатдан олдин 1 чой қошиқдан ичилади.

г) Саримсоқнинг бир бўлакчасини олиб майдаланади ва эзиб бўтқа қилиб 1 ош қошиқ сув қўшилади. Сузиб яна 4 ош қошиқ сув қўшилади (халқ уни саримсоқ суви деб атайди) ва уни 2 маҳал жароҳат жойига суртилади.

д) Саримсоқни майдалаб пайпоққа солиб кийиб юрилса ҳам яхши ёрдам беради.

42. Тумов – Бурун пардаси яллиғланиши (Насмарк – ринит)

а) Саримсоқдан 3-4 бўлакчасини эзиб, 1 стакан сутда кайнатилади ва кунига 3-4 маҳал 1 чой қошиқдан ичилади. Юқори нафас йўллари яллиғланганда фойда қилади.

б) Саримсоқнинг майдаланганидан 50 грамига 500 грамм қатик кўшиб, 1 кеча қўйилади. Ўткир тумов, йўталда 3-4 маҳал 1 ош қошиқдан овқатдан олдин ичилади.

в) Саримсоқдан бир бўлакчасини кесиб, кунига бир неча бор хидланади.

43. Фалажлик, гарез, титроқ касали (Паралич, паркинсонизм)

а) Саримсоқдан 100 гр олиб гўшт қиймалагичдан ўтказиб, ярим литр банкага солиб устига тузланмаган чўчқа ички ёғини банка оғзигача икки бармоқ қолгунча тўлдирилади. Сув ҳаммомида 2 соат қайнатилади. Кейин оғриган жойга суртилади.

б) Саримсоқдан 400 гр олиб, устига 100 гр спирт қуйиб, сирли идишда қоронғи жойда икки кун қўйиб қўйилади. Овқатдан олдин кунига 3 томчидан ичилса, фалаж дардига даво бўлади.

в) Саримсоқнинг хомини еб туриш, фалаж касаллиги билан оғриган беморга фойда қилади.

44. Юрак ишемек касаллиги

(Ишемическая болезнь) сердца.

а) Саримсоқдан ярим кг олиб тозалаб майда қирғичдан ўтказиб, устига 700гр суюқ асал қўшиб, яхшилаб аралаштирилади ва 1 ҳафта қоронғи ва салқин жойда оғзи ёпиқ ҳолда сақланади. Кунига 3 маҳал овқатдан 40 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан 1-2 ой давомида ичилади. Даволаш муддати зарурият бўлса 2-3 ҳафта.

б) Саримсоқдан 1 дона олиб тозалаб, устига 2 стакан товук шўрвасидан қуйиб, 15 дақиқа қайнатилади ва 2 банд укроп қўшиб яна 3 дақиқа қайнатилади. Шўрвадан укроп ва саримсоқни олиб яхшилаб эзиб, яна солинади ва овқатдан 30-40 дақиқа олдин ичилади.

45. Юрак санчиги (Стенокардия)

а) Саримсоқдан 300 гр олиб, тозалаб ярим литрли шиша идишга солиб, устига спирт қуйиб 3 ҳафта сақланади. Кунига 1 маҳал ярим стакандан сутга 20 томчидан томизилиб истеъмол қилинади.

б) Саримсоқдан 1 бош олиб тозалаб, устига 2 стакан товук шўрвасидан қуйиб, 15 дақиқа қайнатилади. 2 банд петрушка солиб яна 3 дақиқа қайнатилади. Шўрвани сузиб олиб, саримсоқ ва петрушкани олиб яхшилаб эзиб яна аралаштириб овқатдан 30-40 дақиқа олдин ичилади.

в) Юрак соҳасида оғирлик сезилса, тозаланган бир бўлак саримсоқ истеъмол қилиш тавсия этилади.

г) Саримсоқдан 1 бош олиб устига 2 стакан товук шўрвадан қуйиб, яна 15 дақиқа қайнатилади. Унга 2 банд петрушка солиб яна 3 дақиқа қайнатилади, шўрва овқатдан 30-40 дақиқа олдин ичилади.

д) Саримсоқдан 5 бош олиб эзилиб бўтқа қилиб уни қирғичдан ўтказилган 10 та лимон ва 1 литр асал қўшиб шишали идишда бир ҳафта қўйилади. Кунига бир маҳал овқатдан 20-30 дақиқа олдин 4 чой қошиқдан ичилади. Қоришмани секинлик билан ичилади, 1,5-2 ой муддатда даволанади.

46. Яралар (Раны)

- а) Саримсоқнинг кули йирингли яра ва тошмаларга сепилса, фойда қилади.
- б) Саримсоқ истеъмол қилинса, ички йирингли яра ва тошмаларга фойда қилади.
- в) Саримсоқ кули эски йирингли яраларга суртилса фойда қилади.
- г) Саримсоқни эзиб докага ўраб ярага 10 дақиқага 3 кун давомида қўйилади.

47. Ўпка сили (Туберкулез легких)

- а) Бемор таомида доимий дори сифатида саримсоқ бўлиши шарт. Кунига ҳар 2 соатда 1-2 бўлак саримсоқни истеъмол қилинади.
- б) Саримсоқ шарбати ва сувли дамламаси бактериялар ривожланишига қарши хусусиятга эга.
- в) Саримсоқдан 250 гр устига 3% ли ярим литр сирка қуйиб, 7 кун қўйилади. Ҳар куни 3 бўлакча саримсоқдан дори тугагунча истеъмол қилинади.
- г) Саримсоқдан бир неча бўлакчасини сирли идишга солиб устига озроқ сув қўйилади ва паст оловга 20 дақиқа қўйилади. Озроқ совигач, ухлаш олдидан бошни сочиқ билан ёпиб, саримсоқ буғидан 15 дақиқа нафас олинади ва иссиқ ўралиб ётилади.
- д) Хитой халқ табобатида ўпка силени даволаш учун бемор таомида саримсоқ бўлиши тавсия этилади. Биринчи кун 30 гр саримсоқ истеъмол қилинса, бир ярим ой давомида 90-120 гр гача етказилади, кейинги саримсоқ ейиш миқдори камайтирилиб бир кунда 30 гр гача туширилади ва бир неча кун саримсоқ буғида нафас олиш (ингаляция қилиш) ва кўкракни янги саримсоқни ўсимлик мойи билан тенг миқдорда ишқалаб суртиш тавсия этилади.

48. Ўт пуфаги яллиғланиши (Холецистит)

- а) Саримсоқдан 3 бўлакчаси қирғичдан ўтказилади, унга бир дона лимонни гўшт қиймалагичдан ўтқазиб қўшилади. Сўнгра асалдан 3 ош қошиқ аралаштирилади. Ўт хайдовчи восита

сифатида нахорда 2 ош қошиқдан, заруриятга қараб истеъмол қилинади.

49. Ўрта қулоқ яллиғланиши (Отит)

а) Саримсоқнинг бир бўлакчасини қўрда пишириб, чидаш даражасидаги иссиқликда оғриган қулоққа киритилади. Муолажа қунига 4 маҳал такрорланади.

б) Саримсоқни эзиб бўтқа қилиб, тенг ўсимлик мойи қўшиб, идишга солинади. Оғзини яхши ёпиб, 10 кун иссиқ жойга ёки қуёшга қўйилади, вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Сузиб олиб, унга 1 неча томчи эвкалипт мойи ёки глицерин қўшиб оғриган қулоққа бир неча томчидан томизилади.

в) Саримсоқ мойи қуйидагича тайёрланади. Саримсоқни майда тўғраб, идишнинг 2/3 ҳажмида солиб устига ўсимлик мойи қуйиб турилади. 10 кун қуйиб вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Кейин 1-2 қават доқадан сузиб олиб мой, совутгичда сақланади.

50. Қандли диабет. (Сахарный диабет)

а) Саримсоқни эзиб, бўтқа қилинади. Ундан 100 гр олиб, устига бир литр қизил мусаллас (спиртсиз вино) қуйилади. Икки ҳафта иссиқ ва ёруғ жойда сақланади, вақти-вақти билан чайқатиб турилади. Сикиб олинган шарбати совутгичда сақланади. Қунига 3 маҳал овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичилади.

б) Саримсоқдан ва петрушқадан 300 гр дан ва 1кг лимон уруғсиз олинади. Ҳаммасини гўшт қиймалагичдан ўтказиб, икки ҳафта қоронғи жойда сақланади, коришмани ҳар куни 1 чой қошиқдан истеъмол қилинади, шу коришмага черника, ловия қўзоклари, маккажўхори попуқлари қайнатмаси қуйилса, яхши самара беради. Шу йиғмадан бир ош қошиғи устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, кечқурун термосга солиб қўйилади. Қунига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Али ибн Сино. Тибб конунлари – Т.: “Фан” нашриёти, 1982 йил.
2. Нортон Ўлжабосва. Халқ табиоти хазинасидан жаҳоирлар “Ёшлар методик” босмахонаси –Т.: 2009 йил.
3. М.Н. Набисв. Сабзавот, резвор мевалар, зираворлар хосияти, “Меҳнат” нашриёти –Т.: 1990 йил.
4. Анвар Собиржон ўгли. Саломатлик сандиги . Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти – Т.: 1994 йил.
5. Табиат дорихонаси. “Шифо-инфо” тиббий маърифий газетаси 2011 йил.

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3
Саримсок (чеснок) хакида	4
Бавосир (Геморрой).....	5
Барвакт қариш (Преждевременное старение)	5
Беланги, бел ориғи (Боль в пояснице).....	6
Бепуштлиқ (Бесплодия).....	6
Бит ва сиркалар (Вши, педикулёз).....	7
Бош айланиш (Головокружение).....	7
Бош оғриғи (Головная боль).....	7
Бронхалар яллиғланиши (Бронхит).....	7
Бронхиал астма (Бронхиальная астма).....	7
Буйрак тош касаллиғи (Почечнокаменная болезни).....	8
Бўғимлар яллиғланиши (Артрит).....	9
Веналарнинг варикоз кенгайиши (Варикозный расширение вен).....	9
Гижжалар (Глисты или Гельминто)	9
Гипертония, хафакон. Артериал босим ошиши	11
Доғлар (Пигментные пятна).....	11
Жигар циррози (Цирроз печени).....	11
Зотилжам Пневмания.....	12
Грипп	12
Ичак касалликлари (Энтерия, энтерокополит).....	13
Ич дам бўлиши (Метеоризм).....	13

Ички ўсмалар (Внутренние опухоли).....	13
Йўтал (Кашель).....	13
Камқонлик. (Анемия- малокровие).....	14
Кўз гавҳари хиралашуви (Катаракта).....	14
Меъда касаллиги (Гастрит).....	14
Мия оғриғи-Шақиқа (Мигрень).....	14
Жинсий заифлик (Импотенция).....	15
Милklar яллиғланиши (Гингивит).....	15
Миокар инфаркти (Инфаркт миокард).....	15
Муртак яллиғланиши (Тонзилит).....	15
Пай чўзилиши (Растяжения сухожилий).....	15
Паришонхотирлик (Склероз).....	16
Пес (Витилиго).....	16
Пуфакча - тери тошмаси (Экзема).....	16
Саратон касаллиги – Рак.....	16
Сийдик – тугилиши (Задержка мочи).....	17
Соч тўкилиши. (Выпадение волос).....	17
Соч оқариши (Поседение волос).....	17
Сўгал (Бородавки).....	17
Тери замбуруғли касалликлари (Грибковый заболевание кожа).....	18
Тумов – Бурун пардаси яллиғланиши (Насмарк – ринит).....	18
Фалажлик, гарез, титрок касали (Паралич, паркинсонизм).....	19
Юрак ишемек касаллиги (Ишемическая болезнь) Сердца.....	19
Юрак санчиғи (Стенокардия).....	19
Яралар (Раны).....	20
Ўпка сили (Туберкулез легких).....	20
Ўт пуфағи яллиғланиши (Холецистит).....	21
Ўрта кулок яллиғланиши Отит.....	21
Қандли диабет. (сахарный диабет).....	21

30000

САРИМСОҚ – барча касалликлар давоси

“Сано-стандарт” Тошкент, 2012

Нашр учун масъул *М.Умирова*

Мухаррир А. Тилавов

Техник мухарир
М.Қосимова

Наш.лиц. № АІ 177, 03.01.2011. Теришга 04.05.2012 йилда топширилди. Босишга 27.06.2012 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84^{1/16}. Офсет босма. Тайме гарнитураси. Шартли б.т. 1,50. Нашр б.т. 1,39. Адали: 1000. Бюджетма № 855.
Баҳоси шартнома асосида

«Сано-стандарт» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широк кўчаси, 100-уй.
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95